

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган
E-mail: xalksuzi@uzpak.uz



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кеलाжаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2003 йил 25 июнь, №131 (3243) Чоршанба

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМГА ТАЙЁРГАРИК

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Назолат Усмонова). Мустақиллик — халқимизнинг энг улуг, энг азиз байрамидир. Утган тарихан қисқа вақт мобайнида мамлакатимизда барча соҳаларда асрларга татигулик бунёдкорлик ишлари бажарилди. Бугунги кунда давлатимиз раҳбари Исом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг ёрқин самарасини бераётди. Асакада «УДЭУавто» қўшма корхонаси, «Шўртан» газ-кўми комплекс, Қоробулозордаги нефтни қайта ишлаш корхонаси буюк бунёдкорлик ишларимизнинг ёрқин далилидир.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ иқтисодий жаҳбалар билан бирга ижтимоий соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилди. Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлаш миллий дастури дунёда таълимнинг ўзбек модели сифатида тан олинди. Дастурга биноан фарзандларимиз жаҳон андозаларига жавоб берувчи олим даргоҳларида тахсил олмоқда.

Ёш авлодни соғлом ва мустақил фикрли, кенг тафаккурли, баркамол, дунёда ҳеч қандай кам бўлмаган инсон этиб вояга етказишдек хайрли иш давлатимиз сийосатининг энг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, ёшларни оммавий спортга жалб этиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга ошириляпти.

Вена декларациясининг ўн йиллигига бағишланди

25 июнь куни Инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи Жаҳон конференцияси томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Вена декларацияси ва Харакат дастури қабул қилинганига ўн йил бўлди.

Узбекистон Республикаси ўз мустақиллигининг илк даврида ноқ Президент Исом Каримов раҳбарлигида демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуришни бош мақсад этиб белгилаб олди. Хуқуқий давлат ва инсон ҳуқуқлари — бу ҳақиқат, эзгулик ва адолат сари ягона йўлнинг узвий таркибий қисмларидир. Инсон ҳуқуқлари — ҳуқуқий давлатчиликнинг инсонийлик мезонидир.

Жараёнлари тобора устувор аҳамият касб этмоқда. Уртимизда ташкил этилган инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар — Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази каби ташкилотлар, бошқа ихтисослашган институтлар, тегишли нодавлат ношароит ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари бугунги кунда ана шу йўналишда самарали фаолият кўрсатаётир.

Пойтахтимизда

ЎЗБЕК—ЯПОН ҲАМКОРЛИГИ САМАРАСИ

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Хулқар СОДИҚОВА). Тошкент давлат иқтисодий университетининг халқаро иқтисодий алоқалар факультетига Япония элчихонаси ҳамда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈІСА) ташаббуси билан ахборот маркази очилди.

Тошкент давлат иқтисодий университети Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈІСА) билан самарали алоқаларни йўлга қўйган. Бугунги кунга келиб университетда 120 нафар талаба япон тилини ўрганмоқда.

Самарқанд


автомобиллари Киевда

Украина пойтахти — Киевда «СамКочавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган автомобиллар кўргазмаси ўтказилди.

Талаба ва атроф-муҳит

Фарғона туманидаги Аввал маънавий касб-хунар коллежида Германиянинг «Инвент» лойиҳаси бўйича касб-хунар таълими ва атроф-муҳит муҳофазаси мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

«Халқ сўзи»нинг шу йил 29 май сонидан чоп этилган «Мендан кетгунча...» мақоласи Юнус Собод йўлининг «Юнус Ражабий» бекатида метрополитен, «Тошметроқурилиш» ҳамда қуриладиган метрополитен дирекцияси раҳбарлари иштирокатида кенгайтирилган йилликдаги кўриб чиқиш, муҳока-



Элнинг фойизи — Сиз отахонлар

Ўзидан катталарга ҳурмат, иззат кўрсатиш, уларни қадрлаш азалий одатларимиздан. Нуроний отахону онахонларнинг дуосини олиш эса ҳар нарсадан афзаллиги ана шундан.

Ишчи гуруҳи мажлиси

Коракатпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгашида Вазирилар Маҳкамасининг «2003/2004 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул бўлиш бўйича рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўлимида тўпланган ишчи гуруҳи мажлиси ўтказилди.

«Шўркўл»нинг масхар ёғи

надонларга тоза ичимлик суви этиб борди. Бултур бутдойдан бўшанган бир қисм майдонга масхар ёғи ишлаб чиқарила бошланди.

Мамомнинг деганлари...

«Отам раҳматли бир парча ерни орзу қила-қила оламдан армон билан ўтиб кетди. Уйимиздан икки чакирим нарида тошқоқ, қаровсиз ер бор эди. Отам экин-тикин қиламан деб ўзи ҳам тинимди, бизни ҳам тиндирмади. Кечалари ҳолдан туйиб келардим. Ерни сал суруб келганда эга чиқди.

«Халқ сўзи» назоратида

Шу билан бир қаторда, бекатларнинг атроф ҳудудига ташаббат суварини лотук ускуналарни орқали ташқарига чиқариш, йўللарга асфальт ётқириш каби ободонлаштириш ишлари олиб боришмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

1997 йилда фермер хўжайини ташкил этганидан. Мана ҳозир ҳайдов трактори, «МТЗ-80» русумли чопиқ трактори, экиш селкаси ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаларига эгаман. Бировдан бир нарса сўрамайман. Ҳисоб рақамимда 3 миллион сўмдан ошқ пудим бор. Енгил машина олдим. Янги уй қураяман. Буларнинг ҳаммаси ана шу фермерликнинг орқасидан.

Мақтанмиш эмасу, ўтган йили 30 гектар галла майдонининг 15 гектарини ўрар-ўрмас режими бажариб, ортиқчаси билан давлатда топширдим. 100 тоннадан ошқ галла ўзимга қолди. Қанча яхши ҳосил оласак, шунча фойда қўришимизни билдик. Бу йил ҳам ҳосил чўғи ёмон эмас.

Шу ўринда фермерликдаги бир ноумумалликни айтиб ўтмасам ичим қуяди. Фермер билан шартнома тузилаётганда ернинг ҳолати ҳисобга олинмапти-да. Унумдор ер учун ҳам, кам ҳосил бўлган ер учун ҳам бир хил талаб қўйилапти. Ахир ернинг имкониятига қараб ҳосил олинмапти? Яна бир гап. Кимёвий ўғит беришда барчага бир хил меъёр қўлланилапти. Ахир баъзи бир кучи кам ерларга кўпроқ озуқа бериш керак-да.

Ўтмишдаги бригадир билан ҳозирги фермерни солиштиришим. Катта йилгилишларга бригадирни чақириниша, қаерлардан кирим-шим топиб, кийинтириб, сўз ўргатиб олиб боришимни раст. Бугунги деҳқон оҳори тўқилмаган костюм-шим кийиб, савлат тўқиб қаршимда ўтирибди, гап-сўзлари салмоқли.

— Юринг, машинада далани айлантириб келай. Уйимда меҳмон бўлинг, қўй сўйай. Деҳқоннинг ҳам яшашини қўлинг-да, — дейди.

Ҳавас ва ҳайрат билан сўзларини тинглайман. Ўзбек деҳқонининг қадди-

ни, қадрини баланд қилган Юртбошимиздан, истиқлолдан минг айланай.

«Хирмон хўжалики...» эмас экан

— Энди қизим, илгария жонини жабборга бериб ишлаганлар кам эмас эди, — дейди Қасби туманидаги Илёс Турдиев номли фер-

рилла отасиз ўтмайди. Сал етишмайдиган оила бўлса, оқсоқол бир томонини кўтариб юборад. Олган ҳосилидан етим-есирларга, қаровчиси йўқларга, қарияларга, кам таъминланган оилаларга илинади.

Шу ўринда ҳаёлимга Юртбошимизнинг фермерлар — аграр ислохотлар тизимининг биринчи қалдирғочлари. Уларнинг қанотини синдирмайлик. Уларни

шиб қолиши мумкин.

Бундан ташқари, бирор-бир сармоёси бўлмаган одам таваккал қилиб иш бошламаган маъқул. Фермерлик ўз-ўзидан бўлмайди. Техникаси, маблағи бўлмаса, хўжалиқни ривожлантириш қийин. Тўғри, ҳозир ернинг тилини тушунадиган, биладида кучи тошган, ишлайман деган деҳқон кўп. Аммо сармоё бўлмаса, жуда оғир. Энди

сўзларга қандайдир ҳақид ва ҳавотир, ажабланиш ва ҳайронлик билан боққанлиги рости.

Хўш, натижа нима бўлди? Албатта, ўзининг қатъий фикри ва журъдига ишонган Президентимиз ҳали халқ хўжалигида босиб ўтилмаган бу йўл сари далил қалам қўйди. «Дунё тажрибаси шундан далолат берадики, жамиятда том маънодаги мулкдорлар синфининг кўпчилиқни ташкил этиши ижтимоий ҳаётдаги барқарорлик ва фаровонликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Бу муаммо, бу масаланинг қишлоқ хўжалиқ соҳасида ечилиши, яъни деҳқоннинг ерга, мулкка, ўзи етиштирган маҳсулотта эгаллик ҳиссиётини қарор топтириш алоҳида аҳамият касб этади», дея таъкидлади.

Бугун Қашқадарёда вилоятида 8542 нафар фермер фаолият кўрсатмоқда. Уларга ажратилган ер майдони 244 минг 706 гектарни ташкил этади.

Боғни боғ қиладиган ҳам, тақир чўл қиладиган ҳам боғбон, дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, боғнинг ҳақиқий эгаси ернинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ниҳол-дарахатларга ишлов беради. Натижада мўл-кўл ҳосил олади, ўзининг ҳам, элининг ҳам дастурхонини тўқин қилади. Шу боисдан ҳам Юртбошимиз «деҳқон ўзини ўзи ишлаб турган заминнинг хўжайини деб ҳис қилмоғи лозим» эканлигини кўп бора таъкидламоқда. Зеро, Ўзбекистон ҳам улкан боғ, фермерлар мана шу боғнинг ҳормас ва толмас соҳибларидир. Бир сўз билан айтганда, фермерлик Ўзбекистон иқтисодиётини, инсон имкониятларини тўлатқис юзага чиқарадиган жасорат ва яратувчанлик майдонидир. Мард қалбида юрт меҳри жўшган ҳар бир одамга бу майдонда ўринлар бисёр.

Бундан ташқари, умумий овқатланиш, маънавий ҳизмат соҳаларида қатъий тартиб урнатилганлигига гувоҳ бўлдик. Аҳоли гавжум жойларда доимий комиссиянинг ишонч телефони ёзилган эълонларни учратиш мумкин. Бу эса истеъмолчилар ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминлаш йўлида депутатлар назорати кучайтирилгандалолат.

Шарҳ ҳокимининг ўринбосари Учқун Очиловнинг айтишича, йилга 5 минг бола «Золотинка», «Нептун», «Восток»,

«Юность» оромгоҳларида мириқиб дам олади. Уқувчиларнинг таътил кунларини мароқли ўтказишни таъминлаш депутатлар гуруҳлари назоратида, «Шолдик» меҳрибонлик уйдан уларнинг қадами узилмайди.

Биз мулоқотда бўлган кишилар Петр Шешматов, Халид Жумаев, Тўйчи Шомуродов, Виктор Ситенков сингари халқ вакилларининг жонқуярлик фаилатлари ҳақида тўлиб-тошиб сўзлашди. Сайловчиларнинг ўз вакилларига бўлган самимий муносабатлари уларнинг жушқин фаолиятини белгиловчи меъдоридир. Депутатлар хоналарида мунтазам ўтказиладиган учрашувлар, давра суҳбатларининг натижасини ҳис этиш қийин эмас.

Этибор беринг, шаҳарда ўртача ойлик маош 150 минг сўмга тақрибан етди. Ҳали вилоятда ҳам кун сайин янги ўфқлар очилмапти. 50 дан ортиқ милда вакиллари «Биз зарфашонликлар» деб гуруҳланишди. Чўлда тобора чирой ошади бораётган бу гузаб максабини бугун Қизилқум гаҳари дея таърифласа арзийди. Чунки, бу ерда эртанги кунимизнинг порлоқ истиқболини таъминлайдиган чайир одамлар яшамоқда.

Ютуқлар сингари шаҳарнинг ўзига яраша муаммолари ҳам йўқ эмас. Аҳоли сонини ошиб борапти. Улар ўй-ўй, иш билан таъминланиши зарур. Хотин-қизларни ишта жалб этиш учун кўпроқ иш ўринлари яратилиши лозим. Кенгашда бу борада ҳам бир неча тадбирлар белгилашиб, илчил амалга оширилаётир.

Абдувахоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Фермер заминнинг асл хўжайини

мер хўжалиги бошлиғи Нурилла ота Илёсов. — Ана гулистонлик Култой бобо элдик йилдан ошқ дала кезди. Саратоннинг саробию, қаҳратоннинг аёзиди кесакка тўқибди, мўл-кўл ризқ-рўз етиштирди. Топгани нима бўлди? Ҳар гектардан 50-60 центнердан пахтаю дон олдди. Аммо дастурхони обод бўлганини билмайман. Дала кезиб сочи оқардию, лекин кўрпачининг жилдини янгилай олмаган қўш орденлик деҳқонларимиз камми? Бугун-чи? Энди ҳақиқатнинг юзига тик қараб гапирадиган давр келди. Ҳозир фалончи фермернинг бешта техникаси бор деса, биров ажабланмайди. Истиқлолни берганига шукур, «хирмон хўжалики» бўлган кунлар ўтиб кетди.

Бугун менинг ҳам қадим тик. Олдий кетмончи эдим, мулкдор бўлдим. Қўлимни ушлайдиган, йўлимни тўсадиган ишимга халақит берадиган киши йўқ.

Насиб бўлса фермер хўжалигини кенгайтиромоқчиман. Цех очиб ниятим бор.

Нурилла отанинг элга фойдаси кўп тегапти. Элнинг тўй-маъракалари Ну-

ашраш, авайлаш, парваришлаш керак. Фермерларимиз кўрсатилган бир яхшиликка минг яхшилик билан жавоб қайтаришга имомини қомил, деган сўзлари келди.

Бедовга лойиқ чавандоз бўлиш керак

— Эй, қизим, фермерликнинг натижасини кўриб қўларинг дили ғимирлаб қолди, — дейди Қамаш туманидаги «Қудрат» фермер хўжалиги бошлиғи Қудрат ҳожи Хушвақтов. — Энди турли касб эгалари ўз хўналарини ташлаб, деҳқон бўлишга интиломоқда. Ҳар қалай бедовга яраша бўлган кунлар ўтиб кетди.

Бугун менинг ҳам қадим тик. Олдий кетмончи эдим, мулкдор бўлдим. Қўлимни ушлайдиган, йўлимни тўсадиган ишимга халақит берадиган киши йўқ.

Насиб бўлса фермер хўжалигини кенгайтиромоқчиман. Цех очиб ниятим бор.

Нурилла отанинг элга фойдаси кўп тегапти. Элнинг тўй-маъракалари Ну-

иш бошлаган фермерга дастлабки сармоё бериш ҳақида ҳукуматимизнинг ҳужжати бор. Аммо бу осонлик билан ҳал бўладиган иш эмас. Расмийчилик, сарсонгарчилик деҳқонни қолдан тойдиради. Банк, бизнес-фонд, фермерлар уюшмаси ўртасида бирикув, ҳамкорлик йўқ.

Баъзи бир бюрократларга шундай дегим келади. Э, шоввоз, ке, деҳқоннинг ўзига қўйиб бер. Бир нарсани биландирки, фермерликнинг масъулиятини буйнига олибди. Ишламаса, ишонччи оқламаса, кейин гапир.

Бу майдонда мардга ўрин бор

Фермерлик мустақиллик дарахтининг илк, ҳали одамларимиз татиб кўрмаган ширин меваси эди. Фермерлик ҳаракати янгиланаётган жамиятимиз иқтисодиётининг устувор бир йўналиши бўлиб қолгандагина, биз одамларга орзу қилаётганимиз — фаровон ҳаётни тортиқ қилишимиз мумкинлигини Юртбошимиз бот-бот таъкидлар экан, кимлардир бу

Санобор БОЙМУРОДОВА, журналист. Қашқадарь.

Маҳаллий кенгашларда

Бирон масала ечим юзасидан қарор қабул қилиш осон, лекин гап унинг ижросини таъминлай билишда. Зарафшонлик депутатлар асосий эътиборини ижро интизомига қаратаётганликлари билан вилоятдаги шундай кенгашлардан ажралиб туради.

Кузатишлар жараёнда сездикки, сессия ҳужжатлари доимий комиссиялар томонидан, депутатларнинг тақлифлари асосида тайёрланаётганини учун ҳам шундай натижаларга эришиляпти. Масъулият ҳисси амалий ишларда намоён бўлмоқда.

ДЕПУТАТ ТАШАББУС КЎРСАТСА...

— Бугун ҳар бир ҳамшахримиз худудимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига ҳисса қўлишни ўз бурчим деб ҳис этишмоқда, — дейди шаҳар ҳокими Аҳмаджон Умаров. — Депутатларимиз аралашмаган соҳа йўқ, ҳар бир масалада, тадбирда ўрни сезилиб турибди. Юзага келган муаммолар депутатлар иштирокида жойида ҳал этиляпти.

Қизилқумнинг қоқ белидаги шаҳримизда 68 минг аҳоли яшайди, шундан 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Ютуқларимизни ёшларнинг иштирокида тасаввур этмаймиз. Муаммолар ҳам улариш ҳал этилмаслигини билмиш. Қўри-ниб турибдики, бу борада олдинда турган вазифада бисёр.

Утган йилги сессияларнинг бирини айнан келажак вояларимиз ҳаётига оид масала муҳокама этилди. Депутатларимиз «орзиқ нуқта» ларни очқоидин кўрсатишди, нимага эътибор бериш, қайси бўғинларда назоратни кучайтириш тўғрисида обдон фикр алмашишди. Шу аснода 120 нафар ҳеч қаерда ишламайдиганлар номма-ном аниқлашиб, ишлаб чиқариш корхоналарига йўналтирилди.

пайида юрганни сезаман. — Бугунги кунда депутатлик фаолиятининг нимагадан иборат деб биласиз? — сўрайман ундан.

— Одамлар орасида бўлишда, уларнинг дарди билан яшашда, — жавоб беради у. — Болалар спортини ривожлантириш билан боғлиқ ишлар жуда кўп... Ҳомийларнинг ёрдамида мачмунизм. Бирок, қандай санкиб, бекор юрғучи болаларга ин қолмаслиги керак. Аксарият спорт иншоотлари қайта таъмирланапти. Жиҳозлар таъминотини назоратга олганмиз. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари билан биргаликда ҳар бир ёшнинг спортга ошно бўлиши учун барча омиладарга фойдаланяптимиз. Муаммолар йўқ эмас, лекин кўпчиликнинг бир ёқадан бош чиқариши туфайли бартафари этиляпти.

Сездикки, Қосимов барча спорт мусобақаларида бошқоқ. Кекасо ёшни спортга даъват этади. Қарат — жону дили. Тағамиди унча-мунча рақибини доғда қолдиради. Зарафшонликлар «Прогресс» спорт мачмузини «соғломлаштириш цехи» дейишади. 71 секцияда 1,5 мингга яқин одам шуғулланади. Унлаб спортчиларнинг номи нафақат вилоятда, балки республикада ҳам маълум «Қизилқум» футбол жамоаси ҳам шу спорт мачмулида машғуллар ўтказишади.

Депутатлар тақлифи билан шаҳар кенгаши ўй-ўй ширкатлари фаолиятини яхшилашга оид қарор қабул қилди. 301 та кўп қаватли уйлари қамраб олган ширкатлар иши кўнгидагидек эмаслиги туфайли шундай ҳулосага келинди. Қарабсизки, воғта етмаганлар орасида жиноятчилик кескин камайиб кетди.

Қолаверса, депутатларимиз ҳафтада камиди бир марта ўқув даргоҳларида, маҳаллаларда бўлишиб, таълим-тарбия жараёнига, яратилган шарт-шароитларга аралашиммоқда. Бунинг қанчалик наф бераётганини тасаввур қилинг-а...

Мен Баҳоидир Қосимовни яхши танийман. Гоҳида қўйди-пишдиликка, «Қойил-е!» дегим келади. Доимо бирор юмушни ниҳоясига етказиш

Қайси мактабга, маҳаллага борманг, депутатларимизни яхши билишда.

Тажрибидан маълум бўлаптики, тарбияси оғир болаларга озгина гамаҳурилик қилинса, эътибор берилса натижаси дарҳол кўзга ташланаркан. Қорончилик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳафсизлигини таъминлаш доимий комиссияси раиси Андрей Кустов уларнинг ҳар бирини фаоллар оталиғига олиш ташаббуси билан чиқди. Ҳамма уни қўллаб-қувватлади. Қарабсизки, воғта етмаганлар орасида жиноятчилик кескин камайиб кетди.

Қолаверса, депутатларимиз ҳафтада камиди бир марта ўқув даргоҳларида, маҳаллаларда бўлишиб, таълим-тарбия жараёнига, яратилган шарт-шароитларга аралашиммоқда. Бунинг қанчалик наф бераётганини тасаввур қилинг-а...

Мен Баҳоидир Қосимовни яхши танийман. Гоҳида қўйди-пишдиликка, «Қойил-е!» дегим келади. Доимо бирор юмушни ниҳоясига етказиш

Қолаверса, депутатларимиз ҳафтада камиди бир марта ўқув даргоҳларида, маҳаллаларда бўлишиб, таълим-тарбия жараёнига, яратилган шарт-шароитларга аралашиммоқда. Бунинг қанчалик наф бераётганини тасаввур қилинг-а...

Қолаверса, депутатларимиз ҳафтада камиди бир марта ўқув даргоҳларида, маҳаллаларда бўлишиб, таълим-тарбия жараёнига, яратилган шарт-шароитларга аралашиммоқда. Бунинг қанчалик наф бераётганини тасаввур қилинг-а...

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 24 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек боғжона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хоржий валюталарнинг сўма нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:*


Table with 3 columns: Currency, Rate, and another column. Includes entries for Australia, Canada, Denmark, Euro, Hong Kong, etc.

*Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Мустақиллик иншоотлари


Ер ости йўли

Поитахтимизда кичик халққа йўли барпо этилаётганидан, унинг катта қисми иша туширилганидан ҳамишларимиз хабардор, албатта. Бу йўлнинг навбатдаги қисми эса генерал Узоқов кўчасидан ўтади. Шу бос бугунги кунда генерал Узоқов ва Маннон Уйғур кўчалари кесилган жойда узунлиги 25 метр, эни 36 метр бўлган 2 та ер ости йўли қуриломоқда. Уни «Тошметроқурилиш»нинг махсус жамаатмалари курувчилари бунёд қилишляпти.



СУРАТЛАРДА: туннель қурилиши жадал олиб бораляпти; 5-қурилиш участкасининг устаси Алишер Турдиев мустақиллик иншоотини тиклашда фаол қатнашяётганидан мамнун.

Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.



ИНТЕРНЕТ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАСИМИ ЁКИ..?

Хаммамиз гувоҳ бўлиб турганимиздек, ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) ҳаётига тезкорлик билан кириб келмоқда.

Ушбу йўналишда Интернет бутунжапон тармоғининг ривожланиши алоҳида ўринга эга. Албатта, асосли савол туғилди: оммавий ахборот воситалари қонунчилиги бўйича ҳамма ахборот олиши учун кириши мумкин бўлган Интернет тармоғи нима? У Оммавий ахборот воситасими? Бу саволга жавоб топиш бугунги кунда жуда долзарб бўлиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддасига биноан «...электрон ахборот тизими... оммавий ахборот воситасидир». Демак, сайт АОВ ҳисобланади.

Бундан ташқари, Интернетдаги кўп сайтларга нисбатан «ахборот тарқатиш даврийлиги», «оммавийлик» (фойдаланувчиларнинг чекланмаганлиги) каби тушунчаларни қўллаш мумкинлиги уларни ҳуқуқий томондан ҳам

ОАВ сифатида қабул қилиш мумкинлигини кўрсатади. Тегинли тартибда рўйхатдан ўтган ва тармоқ ОАВга эга бўлган сайт эгаси, бугунги кунда эса муассис (бош муҳаррир ва бошқалар) ҳаракатдаги ОАВга тегишли бўлган қонуналарга итлоат этиши керак.

Жумладан, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишда ва реклама соҳасида ҳам жиддий ёндашшни талаб қилинади. Тўғри, бу талабларга риоя қилиш бошқа ОАВда ҳам шарт. Аммо, тармоқ ОАВнинг ўзига хослигини ҳисобга олсак ушбу масалаларга ёттибор ортини керак. Сайтда ўз мақолаларини ёзишни хоҳлаган ўқувчилар билан ишлашда ҳам амалдаги қонунчилик талабларини ҳисобга олишимиз лозим бўлади.

Бугунги кунда давлатимизда ОАВ турли эгаллик қўриқчиларида бўлиб, бу ахборот тарқатишда қисман бўлса-да, рақобат муҳитини яратмоқда. Бу соғлом рақобатни келтириб чиқариш билан бирга жамиятда салбий фикрни шакллантирувчи

хавфни ҳам ўз ичига олади. Тан олиш керакки, Интернет — очик, эркин ахборот майдонидир. Ким нимани хоҳласа шунга гапирди. Бу яхши! Аммо, баъзида бу тармоқда ҳар хил бўхтон, тухмат ва текширилмаган маълумотлар ҳам тарқатилиши кузатиломоқда. Интернет баъзида инсонни тақдирловчи ва унинг оилавий сирларини оммага ёйиб, инсон ҳуқуқларини бузишга, айрим давлатлар, уюшмалар ва жинсий террорчи гуруҳлар томонидан уларнинг сиёсий ҳамада иқтисодий манфаатлари йўлида фаолият кўрсатишларида, республикамиз ахборот майдонидида халқимизнинг шаклланган маънавий, маърифий қадриятларида зид маълумотларнинг тарқалишига кенг

йўл очувчи имконият ҳамдир. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, қўшни республикалардаги айрим мақолаларда, Интернет — Форумларда (ўқувчилар билан фикр алмашиш) юқоридида қайд қилинган ҳақоратлаш, безорилик, товланмачилик, ёлгон, бўхтон гапларни тарқатиш каби кенг тус олган ноқонуний ҳолатлар жонини ва маълумоти — ҳуқуқбузарлик кодекслари моддалари бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин эмасми? Бундай ҳолатлар бошқа оммавий ахборот воситаларида тартибга солинган-ку.

Таъкидлаш керакки, ҳаракатдаги ОАВга тегишли қонуналар тармоқ оммавий ахборот узатиш воситасини

қаратилган ташкилотлар томонидан суд тизими орқали тартибга солинади. Фақат Италияда Интернет сайтларнинг давлат органларида рўйхатга олинishi қонуний талаб қилинади. Россияда ушбу масала бўйича вақтинча Низом лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Шу ўринда Интернет Бутунжапон тармоғининг хусусиятларини ўнбатта олиб, ҳаракатдаги Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунига тегишли ўзгартиришлар киритилганича ушбу тармоқ ва бошқа глобал тармоқлардан фойдаланувчи ОАВни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича Низомнинг қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бундан ташқари, чет эл таърибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон худудида ахборот тарқатишда чет мамлакатлар, хусусан, рус тилида тарқатиладиган қўшни давлатлар сайтларининг мавқеи юқориликни ҳисобга олиш, ушбу йўналишдаги камчиликларни халқаро келишув ва шартномалар тузиш асосида бартараф этишга жиддий эътибор бериш вақти келди.

Газетада босилмади, аммо...

Зарар ундирилди



Марҳаматлик Маҳмуджон Лутфуллаев таҳририятимизга йўллаган шикоят хатида бултур тумандаги болалар боғчаларига беш тонна қовун тарқатганини, бироқ ҳозирга қадар бу ернинг ололмаганини баён этганди. Биз у келтирган далилларни текшириш ва қонуний чора кўриш учун Андижон вилояти прокуратурасига жўнатгандик. Шу муносабат билан вилоят прокуратурининг ўринбосари К.МАМАТОВдан расмий жавоб олдик. Унда таъкидланишича, ариза муаллиф иштирокида текширилган. Ана шу жараёнда Маҳмуджон Лутфуллаев, ҳақиқатан ҳам, 2002 йил январда Қорақалпоғистондан 5 тонна қовун олиб келиб, туман халқ таълими бўлимига қарашли 12 та мактабга тарбия муассасасига боғча мудирлари ва уларнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосарлари билан ҳеч қандай шартнома тузмастан, озғани келишув асосида тарқатган. Текшириш якунида ушбу ҳолат тасдиқлангани сабабли болалар боғчаларига етказиб берилган қовунлар қиймати мутахассислар томонидан аниқланган. Уларни ноқонуний тарзда қабул қилган ўн икки нафар шахсадан М.Лутфуллаев фойдасига 328 минг 650 сўмлик маблағ ундириб берилган. Туман халқ таълими тизимида йўл қўйилган қонунбузарлик ҳолатларини ва уларни келтириб чиқарган шартшароитларни бартараф этиш тўғрисида вилоят Халқ таълими бошқармасига прокуратура томонидан тақдиминома киритилган.

Қ. ШЕРМАТОВ, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг ОАВ мониторинги ва уларни лицензиялаш маркази бошлиғининг ўринбосари.

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири.

ЎЗБЕКНИНГ ЁЗИ

Ўзбекининг ёзи бу, гўза гулининг
Жаннатий иссиа тўлган чоғлар бу.
Ишчан боларидек дехқон элининг
Оғзига бол тугган асал ботган бу.

Ўртақчилиқнинг кенгиш этакларида
Қирғовул патидай тўзган долалар.
Жавзо шамолнинг элакларидан
Дур бошогин эгар бугдой далалар.

Каллакланмай қолган балхи тутларда
Хушкон попушаклар базм бошлағай.
Лалмикор қирларда, кунгай бетларда
Офтоб тандирини очиб ташлагай.

Зарафшоннинг чимтоқ ёқаларида
Чирқиллар ёзтовуқ пополалари.
Ям-яшил пайкаллар укаларида
Гилямдай чўгланар гул хирмонлари.

Кўксига ярқиллаб қизил маржони —
Аёл эгитларда юрар жонсарак.
Ҳар туп гўзасига боғлақдай жони,
Ҳар ниҳол бошида ҳаёли ҳалак.

Қадоқ кўлларида ерга инар жон,
Гўзанинг илдизи эмар ҳарорат.
Шоҳи куйлагига тирмашиб оқшом,
Гўдакдай эргашар ҳар ниҳол, кўкат.

Гарчанд қош-кўзида ёбоннинг гарди,
Гарчанд ҳаловати, ороми йўқдир,
Шу чексиз далалар унинг ўз дарди,
Шу саҳий тупроқни билади тақдир.

Кун ботар. Товуқлар чиқар қўндоққа,
Оқшом нари қиздай силқитар рўмоқ.
Бир этак боласин жамлаб кучоқда,
Қозонга ўт ёқар табарруқ Аёл...



Кичик бизнеснинг катта олами

80 мингга яқин аҳоли иштикомат қилаётган Қизилқум тумани тадбиркорлари ҳам ўзларини катта ишларга чоғлаб яшамоқдалар. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 30 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари очилиб, туманда бундай корхоналар сони 700 талдан ошди.

— Тадбиркорларга шу йилнинг биринчи чорагида 45 миллион сўм кредит ажратилгани катта қувват бўлди, — деди туман ҳокимининг ўринбосари Мамадали Умиров. — Айни кунларда истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми ошмоқда.

— “Чўн” жамоа кор-

хонаси раҳбари Омон Назаровнинг айтишича, пахта титиш цехига қўшимча шифер ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. “Чаман” хусусий корхонаси авваллари плёнкани сотиш билан шуғулланарди. Бугунга келиб бу маҳсулотни ўзлари ишлаб чиқара бошлади. Парда Туропов номли фермер хўжалиги сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни мўлжаллаётган бўлса, “Жасур” кўп тармоқли хусусий фирмаси ерэнгоқ, писта ва кунжут ёғи ишлаб чиқариш цехини юртга бошлади.

Олимжон УСАНОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

Яқинда бир воқеа юз берди. Қизим мактабдан ховлиқиб келиб:
— Ойижон, устозимиз «Франциядаги музейга Амир Темурнинг олтин ҳайкали нима сабабдан қўйилганини аниқлаб келган болага «5» баҳо қўяман», деб ваъда қилдилар! — деб қолди.
— Яхши, тарих китобингни варақлаб кўр-чи, у ер-бу ерда ёзилгандир?
— Вой, ойижон, сиз буни биласиз, деб ўйловдим... — қизим мўлтиллаб менга тикилди.

Кизинам-а, у ойсини дунёдаги ҳамма нарсдан бохабар, деб ўйлайди. Аммо ойсини ўқиган даврда мактабда фақат шўролар тарихи ўргатилганини, бутун жаҳон таниган ал-Фароний, ал-Бухорий, ат-Термизий сингари буюк бобокалонлари борлигини билмасалар-да, шўровий дохилларнинг болалигидан тортиб, то қаё қилгунча қандай яшаб-фикрлагани қандай таомни хуш кўрганича — бари-барини худди тўтиқушдек бидирлаб айтиб бера олардилар.

Аммо фарзандингизнинг саволига жавоб беролмагандан кўра... ўзга сайёрага қочиб қутулган маъқулроқ. Шу тарих, мен ҳам икки кун ушбу саволга жавоб излашни, таниш-билишларимдан суриштирдим. Охири, фан номзода бўлиши бир опахонимиз бу воқеани сўзлаб бердилар.

Маълум бўлишича, XIV аср охирида бутун Европа Туркия султони Боязид томонидан босиб олинган хавфи остида қолган экан. 1396 йилда Боязид кўшиқлари Европа давлатларининг сараланган 100 минг кишилик қўшинини тормор этди. Аммо шу пайтда Амир Темур ва Боязид орасидаги муносабатнинг урушга айланиб кетиши Европани муқаррар ҳалокатдан асраб қолди.

Европа давлатлари ўзларини муқаррар ҳалокатдан асраб қолган халоскорлари бўлиши соҳибқирон Амир Темурга олтиндан ҳайкал ясади, унга

ХОТИРА САОДАТИ

«Европа халоскорига» деб ёзиб қўйдилар...
Қудратли Европа давлатларига ўз кучини намоён қила олган буюк бобокалонимиздан фахрлини ҳисси юрагимни чулган бўлса, шундай буюк тарихий ҳақиқатдан беҳабар

Муносабат

ҳолда салкам ярим асрни яшаб қўйганимдан уялиб кетдим. Гарчи бунга ўзим эмас, балки биз мактабда ўқиган давр айбдор эса-да...

Бир вақтлар чет эллик адиблардан бирининг «Қасос» номидаги ҳикоясини ўқигандим. Жажжигина ҳикоянинг қаҳрамонлари — фазогирлар номаълум бир сайёрага қўнишади. Сайёра аҳолиси билан бўлган тўқнашувда фазогирлардан бири ҳалок бўлади. Шунда омон қолган фазогир ўртоғининг ўлими учун ярим ёввойи сайёраликлардан қасос олмақчи бўлади ва... Йўқ, у ярим ёввойи ҳаёт кечирувчи сайёраликларни қириб ташламайди. Балки сайёранинг улкан худудини лазер қурлимаси ёрамада текислаб, ҳосил бўлган май-

донга турли сайёраларнинг қадимий маданиятига тегишли бўлган ёзув ва белгиларни ўйиб қолдиради. Пировардида, бир кун келиб ушбу сайёра аҳолиси тараққийга эришиб, ўз тарихи билан қизиқилган бўлганда бу ёзув ва белгиларни кўриб, боши берк кўчага кириб қоладилар. Чунки, энди уларнинг тарихи йўқ эди. Тарихсиз ўтмиш бўлмайди,

ўтмишсиз эса келажак. Ҳикоя қаҳрамони қасоснинг ана шундай ўта чигал ва ўта мукамал усулини ўйлаб топган эди.

Ўйлаб қарасам, биз — шўролар замонининг болалари ҳам айнан уша ҳикоядаги сайёраликларнинг аҳволига тушган эканмиз-да. Бизнинг аҳволимиз уларникидан-да оғирроқ — нотўғри тақдирда, ахир. Бунга эътироф этиш эса қанчалар оғир, бутун кураи замин таниган, эъзолаган болаларининг билмаслик, тан олмаслик нақадар уят...

Тарих ўз номи билан тарих. Тарих, бу — ўтмиш, ўтмишни эса на ўзгартириш, на қийшайтириб кўрсатиш мумкин. Тарих — халқнинг ўзини, халқнинг бойлигини. Тарихни нотўғри тақдир қилиш эса халқ бойлигини ўғирлашнинг ўзгирмаси. Зеро, тарихий ҳақиқатни қанча яшириб, қанчалик ўғирланмасин, у бари-бир ҳақиқатлигича қолаверадилар. Ва, охири кунини, албатта, юзага қалқиб чиқади. Тарихни ортага қайтариб бўлмаганидек, ҳақиқатни ҳам яшириб бўлмайди...

Муҳаббат Йўлдошева.



Ўзбекистон Қаҳрамони Ойшахон Қўчқорова Республика Ақушерлик ва гинекология шимик текшириш институтининг Наманган филиали бош шифокори. У аёлларнинг яқин масалаҳатгўйи. Она қим билан учрашмасин суҳбат мавзуси аввало аёл ва фарзанд саломатлиги ҳақида бўлади.

— Аёл соғ бўлса, фарзанд соғлом бўлади, — дейди она. — Аёл бахтли хонадонда эса фарзандлар ҳам бахтлиёр камол топади.

СУРАТДА: Ўзбекистон Қаҳрамони Ойшахон Қўчқорова аёллар диврасида.
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Еш авлоднинг баркамол вояга етишида спортнинг ўрни беқиёс. Бу борада Яккабоғ туманида ҳам талай ишлар қилинмоқда.

«Қамолот»нинг соғломлаштириш маркази

— Туманимизда 50 мингдан зиёд аъзомиз бор, — деди «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгашининг раиси Абдуразақ Жуманов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Ёшларимиз бўш вақтларини мазмуни ва мароқли ўтказиши, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларини камайтириш мақсадида «Қамолот» соғломлаштириш марказини очдик. Марказда 300 дан ортақ ёшлар спортнинг барча турлари бўйича малакали мураббийлар қўлида шуғулланувчилар учун барча қулайликлар яратилди.

Ҳозир «Қамолот» ҳамда Навоий номи ширкат хўжалиқларида марказ шохобчалари очилди. Марказга икки миллион сўмлик спорт жиҳозлари келтирилди. Спорт билан шуғулланувчилар учун барча қулайликлар яратилди.

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРAT «ПАХТА БАНК»нинг ЧИЛОНЗОР ФИЛИАЛИ

Европа Тикланиш ва тараққийот банкнинг кредит линияси ҳисобидан микрокредитлаш бўлимига кредит мутахассислари лавозимларига

Номзодларга қўйиладиган талаблар:

- иқтисодиёт бўйича олий маълумотли;
- киришимлилик;
- ёши 30дан ошмаган бўлиши.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 3-даҳа, 74-уй. Мўлжал: «Чилонзор» савдо маркази.

Маълумот олиш учун телефонлар: 173-09-85, 173-09-87.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармаси

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

вилоятнинг 2003 йилдаги манзилли дастурига киритилган қурилиш объектлари учун материал ва жиҳозлар сотиб олиш ва етказиб бериш бўйича ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Буюртмачи — Жиззах вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси (Манзил: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй. Телефонлар: 222-31-59, 222-27-05).

ЛОТ № 1	Электр жиҳозлари: ҳар хил русумдаги трансформаторлар, тақсимлаш пунктлари, шитлар, бошқарув яшиқлари, бригитчилар, стартерлар, ўт ўчириш жиҳозлари, кучланиш яшиқлари.
ЛОТ № 2	Қозонхона, сантехника ва вентиляция жиҳозлари, сув насослари, иситиш қозонлари, пўлат қувурлар, кондиционерлар, вентиляторлар, ҳар хил ўлчашчилар, насослар.
ЛОТ № 3	Қурилиш материаллари.
ЛОТ № 4	Мебеллар: шифаф, курси ва диванлар, стол ва стуллар, тумбочкалар, стеллажлар.
ЛОТ № 5	Ошхона жиҳозлари: товалар, овқат тайёрлаш дастгоҳлари, музлаткичлар, электр плиталари.

Материал ва жиҳозлар давлат бюджети ҳисобидан сотиб олинади. Таъминоти ташкилотлар зарур профессионал ва техник малакага, молиявий имкониятларга, ишчи ресурсларига, шартнома тузиш учун фуқаролик ва юридик ҳуқуққа эга ҳамда тажрибали ва ишончли бўлиши керак.

Барча тақлиф этиладиган маҳсулотлар сертификатланган (лицензияланган) бўлиши шарт. Тендерда иштирок этишни хоҳловчилар пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармаси Жиззах вилояти филиалига тендер ҳужжатларини олиш ҳақидаги сўровнома билан эълон чоп этилгандан бошлаб соат 9.00дан 18.00гача қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари сўралади.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 312 ва 315-хоналар. Тел./факс: (8-372) 226-14-66, 226-05-42.

Тендер ҳужжатлари бир тўпلامининг нархи — 50000 сўм. Оферталар юқоридида манзил бўйича қабул қилинади. Оферталарни тақдим этишнинг энг охири мuddати — тендер комиссиясининг оферталарини очиб кўриш бўйича йиғилиши кунини ва соатига. Оферталар эълон чоп этилгандан бошлаб, 30 кундан сўнг тендер комиссияси томонидан вилоят ҳокимлигининг кичик мажлислар заллида кўриб чиқилади.

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер)ни ташкил этиш бўйича республика бошқармасининг

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БОЖЖОНА БОШҚАРМАСИ МАЪМУРИЙ ВА ЁРДАМЧИ БИНОЛАРИНИ КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ ҲАМДА БОЖЖОНА ХУДУДИДА 10ТА АВТОМАШИНАЛАРГА МўЛЖАЛЛАНГАН ГАРАЖ

қурилиши ишоотига пудратчи ташкилотини танлаш бўйича ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Қурилиш ишларини шуғуллаш мuddати — 2003 йил октябрь. Буюртмачи Андижон вилояти божжона бошқармаси. Манзил: Андижон шаҳри, А.Юлдашев кўчаси, 48-уй. Телефон: 46-11-81.

Қурилиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси давлат божжона қўмитасини 2003 йил капитал таъмирлаш бўйича манзил дастурига асосан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Андижон вилояти филиалига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-«А» уй. Тел./факс: 24-72-79.

Бир тўплама тендер ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги мuddати — оферталар очилиш кунини ва соати.

Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, 30 кундан сўнг юқоридида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

«ЎЗДАУ» авто» компанияси

«Асака» банки

билан биргаликда автомобилларни

КРЕДИТГА

2003 йил 1 августгача

сотишни давом эттирмоқда.

Дастлабки бадал автомобиль қийматининг 60%ни ташкил этади, қолган 40% эса йиллик 20% ҳисобига олинган ҳолда 2 йил давомида тўланади.

Кредит таъминоти учун гаровга қўйилган автомобилларни

«ЎЗАГРОСУФУРТА»

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК СУФУРТА КОМПАНИЯСИ

турли қалтисликлардан қулай тариф ставкаларида суфурта қилади.

Маълумот учун телефонлар: 133-34-78, 133-28-06, факс 133-26-23.

Автомобиллар сизларни расмий дилерларнинг салонларида кутмоқда.

Шошилинг! Автомобилларни кредитга сотиш 1 августга қадар расмийлаштирилади.

«VETIL FARMA» МЧЖ

Ўзининг янги маҳсулоти —

ЯЛОҚ ТОШИ «ZOOMINERAL» ни

Ишлаб чиқаришни бошлади.

«ZOOMINERAL» ялоқ тоши — қорамол, от, қўй ва эчкиларга мўлжалланган бўлиб, биологик актив моддалардан ташкил топган. Ялоқ тошининг узлуксиз равишда қўлланилиши сут соғушини 10-20%, вазн ортишини 20-30%, юнг ўсишини 12-15%га қўлайтиради ҳамда уй ҳайвонларини турли касалликлардан сақлайди.

«VETIL FARMA» МЧЖ бундан ташқари товуқ, жўжа, қорамол, чўчқа, қўй ва эчкиларнинг премиясларини (витамин-минерал-аминокислота озуқа қўшимчалари) ҳам ишлаб чиқаради.

МАЪСУЛОТЛАРИМИЗНИ БЕТЕРИНАР ДОРИХОНАЛАРДАН ҲАМДА ҚИЛИШИНИҒИЗ МУМКИН.

Бизнинг дистрибьюторларимиз телефонлари: 191-82-82, 35-19-37. Саволлар бўйича мурожаат учун телефонлар: 103-42-35, 187-55-90.

